



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ НАЗОРАТ-ЛИЦЕНЗИЯ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, майор

Бахтиёров Азизбек Алишер ўғли

Кундузги таълим 3-ўқув курси 314-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18162580>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 04-yanvar 2026 yil  
Ma'qullandi: 05-yanvar 2026 yil  
Nashr qilindi: 06-yanvar 2026 yil

### KEYWORDS

назорат-лицензия,  
портловчи материаллар,  
гиёҳвандлик воситалари,  
психотроп моддалар ва  
уларнинг прекурсорлар,  
қурол-яроғ ва патронлар,  
пиротехника буюмлари,  
саноат учун мўлжалланган  
портловчи материаллар.

### ABSTRACT

лицензия тушунчаси, турлари, лицензия бнриш тартиби, нима мақсадда берилиши, лицензия қоидаларига риоя қилиниши қайси орган томонидан назорат қилиниши, назорат-лицензия қоидаларига риоя қилмаганлик учун белгиланган жазо чоралари ва бошқалар ҳақида сўз юритилади

Ички ишлар органлари томонидан лицензия фаолиятнинг ҳар бир лицензияланадиган тури учун алоҳида берилади. Лицензия талабгорнинг аризасига мувофиқ берилиши мумкин. Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият тури фақат лицензия олган жисмоний ёки юридик шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Лицензияларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади. Амалга оширилиши учун лицензия берилган фаолият, агар лицензия талаблари ва шартларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин.

Ички ишлар органлари амалдаги қонучиликка мувофиқ, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш ҳақидаги низомларга ва уларнинг паспортларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Профилактика инспекторларининг назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини таъминлаш фаолияти жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш ва ноқонуний фаолиятларнинг олдини олишга қаратилган муҳим жараён ҳисобланади. Бу фаолият қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

1. Назорат-лицензия талабларини таъминлаш.

- Тегишли соҳаларда фаолият юритувчи шахслар ва ташкилотларнинг қонунчиликка мувофиқ равишда лицензия олишини назорат қилиш.

- Лицензияланган фаолият турлари бўйича белгиланган қоидаларга риоя қилинишига доимий мониторинг ўтказиш.

- Лицензиясиз ёки рухсатсиз фаолият юритувчи шахслар ва корхоналарни аниқлаш

ва уларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўриш.

2. Назорат ва профилактика ишлари.

- Юридик ва жисмоний шахслар томонидан назорат-лицензия қоидаларига риоя этилишини текшириш учун режали ва режадан ташқари назоратлар ўтказиш.

- Қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун профилактик тадбирларни ташкил этиш.

- Жамоатчилик ва бизнес вакиллари ўртасида ҳуқуқий онгни оширишга қаратилган тадбирлар ўтказиш.

3. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва чора кўриш.

- Назорат-лицензия талабларини бузган шахсларга нисбатан маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш.

- Огоҳлантириш, жарима ва лицензияни бекор қилиш каби таъсир чораларини қўллаш.

- Ҳуқуқбузарликларга оид маълумотларни тегишли органларга етказиш ва ҳамкорлик қилиш.

4. Ҳамкорлик ва жамоатчилик назорати.

- Давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда назорат механизмларини кучайтириш.

- Фуқароларнинг мурожаат ва шикоятларини қабул қилиш ва улар бўйича чоралар кўриш.

- Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали назорат-лицензия талаблари бўйича маълумотлар тарқатиш.

Бу фаолият профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Профилактика (катта) инспекторлари фуқаровий ва хизмат қуроллари, уларнинг ўқ-дорилари, пиротехника буюмлари билан савдо қилувчи юридик шахслар фаолиятини назорат қилишда қуйидаги усулларни қўллайдилар:

- мазкур ташкилотларни текшириш чоғида ички ишлар органларининг ходимлари биринчи навбатда тегишли фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ёки рухсатнома борлигини аниқлаш;

- қурол, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари билан савдо қилиш, уни намойиш қилиш ва сақлаш жойларининг техника билан таъминланганлиги, савдо витриналарида, расталарда қурол, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ишончли сақланишини, шунингдек у билан муомала қилишдаги хавфсизлик чораларини текшириш;

- ҳисоб ҳужжатларининг бор-йўқлиги ва тўғрилиги, қурол ва патрон, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларнинг сақланишини текшириш;

- қурол ва патрон, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлар ҳисоб-китоби учун масъул шахслар, сотувчилар (моддий жавобгар шахслар) ҳамда қурол ва патронлар билан ишлашига, уларни ташишига ва ташиш чоғида кузатиб боришига бириктирилган ходимларнинг улар билан муомала қилишини ички назорат қилиш тартиби мавжудлиги ва унга риоя этилишини текшириш;

- қурол ва патрон, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларнинг бузилиши ва йўқолиши фактлари бўйича илгари ўтказилган

текширувларга оид ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш.

Ички ишлар органларининг назорат-лицензия фаолияти бўйича рухсатнома бериш ППХ ва ЖТС хизматлари зиммасига юклатилган бўлсада, объектларнинг ҳолатини аниқлаш, баҳо беришда ҳудуд профилактика инспекторининг хулосаси муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари назорат-лицензия фаолиятини ҳар чорақда бир марта, ҳарбий қуроллар сақланадиган объектларни ва портловчи моддаларни сақловчи, сотувчи объектларни ҳар ойда бир марта назорат қилиб туришлари керак, ўтказиладиган текширувларда профилактика инспектори иштирок этиши лозим, текширув натижасига кўра аниқланган камчиликларни бартараф этишда ППХ ва ЖТС ходимлари билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирларни амалга оширади.

Профилактика инспекторининг текширув натижалари борасидаги тўплаган ҳужжатлари ЖТСБ ва ППХ назорат-лицензия фаолияти ходимига топширилади. Сабаби назорат-лицензия фаолияти бўйича юритилган ҳисоб йиғма жилдлар ЖТСБ ва ППХ назорат-лицензия бўйича инспекторида сақланади.

Ички ишлар органларининг назорат-лицензиялаш хизмати ходимлари ва ҳудуд профилактика (катта) инспекторлари қурол ёки пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари сақланадиган объектларни камида ҳар чорақда бир марта текширади. Объектнинг текширилгани тўғрисида икки нусхада далолатнома тузилади. Улардан бири юридик шахс раҳбарига берилади, иккинчиси кузатув ишлари йиғма жилдига қўшиб қўйилади. Қурол-яроғ ва патронлар, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари сақланадиган омборлар сифатида фойдаланиладиган объектлар, шунингдек савдо корхоналари камида ойида бир марта текширилади. Бундай текширувларда ички ишлар органларининг раҳбарлари ёки уларнинг жамоат хавфсизлиги хизмати бўйича ўринбосарлари бевосита иштирок этадилар. Қурол эгаси бўлган фуқаролар камида йилига бир марта текшириладилар. Қурол ва патронлар олиб қўйилганида баённома (далолатнома) тузилади, у бир сутка ичида объект текшируви ҳақидаги далолатнома ёки қурол эгаси бўлган фуқарони текшириш тўғрисидаги билдирги билан бирга ички ишлар органларининг раҳбариятига белгиланган тартибда қарор қабул қилиш учун берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ички ишлар органларининг пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилишни назорат қилиш борасидаги фаолияти белгилаб қўйилган.

Профилактика (катта) инспекторлари қуйидаги йўналишлардаги пиротехника буюмларини муомаласини назорат қилиб борадилар:

- пиротехника буюмлари билан савдо қилувчи юридик шахсларнинг фаолиятини;
- пиротехника буюмларини бировга бериш ва сотиб олишни;
- пиротехника буюмларини хавфсиз сақланишини ва ташишни.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан давлат назорати қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

а) махсус электрон тизим воситасида лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши устидан масофавий назорат;

б) лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилишини асослар мавжуд бўлган тақдирда ва қонунчиликда белгиланган тартибда жойга чиққан ҳолда текшириш;

в) лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида

амалга оширувчи шахсларнинг, хабардор қилувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ статистик ахборотни ҳамда улардан сўраб олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

Ички ишлар органлари томонидан лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартлари билан боғлиқ бўлмаган маълумотларни таҳлил қилиш, текшириш ҳамда уларни лицензиатлардан, фаолиятни (ҳаракатларни) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслардан, хабардор қилувчилардан сўраб олиш тақиқланади.

Ички ишлар органларига лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ тадбирларни ўтказиш чоғида тегишли паспортларда назарда тутилмаган талаблар ва шартларнинг бажарилишини текширишга ёки улардан ушбу шартлар ва талабларнинг бажарилишини талаб қилиш тақиқланади.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларининг бузилишлари аниқланган тақдирда бу ҳақда ваколатли органларга хабар беради.

Масофавий назорат тартиби. Ички ишлар органлари масофавий назоратни махсус электрон тизим имкониятларидан келиб чиққан ҳолда лицензиатларнинг, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахсларнинг, хабардор қилувчиларнинг ходимлари тўғрисида, лицензия, рухсат этиш ва хабардор қилиш талаблари ҳамда шартларига риоя этилиши ҳақида тақдим этилган ахборот, шунингдек бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан олинган ахборот асосида амалга оширади.

Масофавий назоратни амалга ошириш чоғида лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар белгиланган талаблар ҳамда шартларни бузиш ҳоллари тўғрисида махсус электрон тизим воситасида автоматик равишда келиб тушадиган хабарлар Ички ишлар органларининг махсус электрон тизимдаги «шахсий кабинетига» юборилади. Келиб тушаётган хабарлар асосида Ички ишлар органлари Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини таҳлил қилади ва ўрганади.

Лицензиатлар, фаолиятни рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар асосида амалга оширувчи шахслар, хабардор қилувчилар масофавий назорат асосида ички ишлар органлари томонидан берилган кўрсатмада баён этилган талабларни ўн иш куни ичида бажариши ва бу ҳақда ички ишлар органларига хабар бериши шарт. Кўрсатма бажарилмаган ёки ўз вақтида бажарилмаган тақдирда ички ишлар органлари «хавфни таҳлил қилиш» тизими асосида уларнинг фаолиятини текширишдан ўтказиши мумкин.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларини масофавий назорат қилиш ички ишлар органлари томонидан доимий асосда амалга оширилади.

Профилактика (катта) инспекторлари томонидан лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш тартиби.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш қуйидагилар асосида амалга оширилади:

«хавфни таҳлил этиш» тизими;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари;

жисмоний шахсларнинг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликнинг бузилиши ҳоллари тўғрисида махсус электрон тизим орқали юборилган маълумотлари.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш қонунчиликда белгиланган тартибда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш талаблари ва шартларига риоя этилишини жойга чиққан ҳолда текшириш ўн кунгача бўлган муддатда амалга оширилади. Тегишли фаолият билан лицензиясиз ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатсиз, шунингдек хабарнома юбормасдан шуғулланиш ҳолатлари билан боғлиқ бузилишлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида аниқланган тақдирда, бу ҳақда ички ишлар органларига хабар берган жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқбузарлик тасдиқланганда, ундирилган жариманинг ўн фоизи миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

Лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ягона QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда электрон шаклда расмийлаштирилади, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ махсус қоғоз бланкаларида расмийлаштиришни талаб қиладиган ҳужжатлар мустасно. Барча турдаги лицензияларнинг ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш мазкур ҳужжатларга тушириладиган ягона QR-кодни (матрик штрихли кодни) тегишли реестрда кўрсатилган ахборот билан солиштириб кўриш орқали амалга оширилади. Бунда қоғоз шаклидаги лицензияларни ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш тақиқланади.

Профилактика (катта) инспекторлари томонидан ўтказиладиган назорат ўз шаклига кўра ички ва ташқи бўлиши мумкин. Бунда фуқаровий ва хизмат қуроллари, уларнинг ўқ-дорилари, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг омборларда ҳисобга олиниши, сақланиши ва ҳаракатланиши, улар қўриқланиши ва техникавий таъминланганлиги ҳолатининг белгиланган қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш корхона раҳбари томонидан тайинланган шахслар томонидан ҳар ойда (ички назорат) ҳамда даврий, вақти-вақти билан –Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, ички ишлар органлари назорат-лицензия тизими, ёнғин хавфсизлиги ва юқори ташкилотлар вакиллари томонидан (ташқи назорат) текширилиши мумкин.

Лицензиявий назоратни амалга ошириш чоғида пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материалларнинг камомоди ёки ортиқчалиги аниқланган ҳолатда, бу ҳақида зудлик билан корхона раҳбарига, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига, ички ишлар органларига ва юқори ташкилотларга хабар берилиши шарт.

Юқоридида келтирилган назорат тадбирлари профилактика (катта) инспекторлари Ўзбекистон Республикасининг Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилиши мумкин.

Фуқаровий ва хизмат қуролини, уларнинг ўқ-дорилари, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, қурол муомаласи билан боғлиқ лицензия ва рухсатномани ички ишлар органлари қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- лицензия ва рухсатномадан ихтиёрий воз кечилганида, юридик шахс тугатилган ёки юқоридагиларнинг мулкдори вафот этганида;
- юридик шахслар ёки фуқаролар қурол билан муомала қилишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларини мунтазам равишда (йил давомида камида икки марта) бузган тақдирда;
- лицензия ёки рухсатнома олиш имконини истисно этадиган ҳолатлар юзага келганида;
- пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар,

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг муомаласи билан боғлиқ қоидабузарликлар содир этилганида;

– ўқотар қурол ёки унинг патронларининг баллистик ва бошқа техник хусусиятлари ўзгартирилганида.

Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, руҳсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги (2021 йил 14 июль) ЎРҚ-701-сон қонунининг қабул қилиниши орқали мазкур соҳадаги ижтимоий-муносабатларни, фаолиятнинг турлари, субъектлари ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий вазифа ва функциялари қонунлаштирилди. Маълумки, назорат лицензиялаш соҳасидаги ваколатли органлар ичида ички ишлар органлари муҳим ўрин тутди. Ички ишлар органларининг бевосита назорат лицензиялаш фаолияти билан шуғулланадиган бўлинмалар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш, уни ҳуқуқий, ташкилий-методик, моддий-техник жиҳатдан ва малакали кадрлар билан таъминлашни такомиллаштириш, соҳага илғор тажрибалар, иш усуллари ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда ўзаро мақсадли ҳамкорликни самарали ташкил этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Ички ишлар органлари томонидан назорат-лицензия фаолиятини амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад – фойдаланилиши учун лицензия талаб этиладиган буюм, модда ва жиҳозларни (нарсаларни) сотиб олиш, сотиш, сақлаш, ҳисобга олиш, ташиш ва фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришда ўрнатилган тартиб-қоидаларнинг бузилишини олдини олиш ҳамда уларнинг йўқолиши, ўғирланиши, жиноий ва бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликдан иборат. Шу сабабли, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати қўйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

- назорат-лицензия объектларининг ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш;
- фойдаланилиши учун лицензия талаб этиладиган буюм, модда ва жиҳозларни сақлаш, ташиш, сотиб олиш, фойдаланиш ва ишлаб чиқариш учун сўраб билдирилган аризаларни кўриб чиқиш;
- назорат-лицензия объектларининг фаолият кўрсатишига руҳсат бериш;
- объектларни текширишни режалаштириш, текшириб бориш ва бу борада амалга оширилган ишлар ҳисобини юритиш;
- маъмурият, профилактика инспекторлари ва бошқа алоқадор хизматлар билан биргаликда объектларни кўздан кечириш ҳамда натижаларини расмий-лаштириш;
- пиротехника воситалари билан муаммоларни аниқлаш ёки шахсларнинг ҳисобини олиб бориш, ҳисобга олинмаган қуролларни аниқлаш ҳамда ҳисобга қўйиш чораларини кўриш;
- назорат-лицензия объектлари устидан назорат олиб бориш, бу борада аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли қонуний чораларни кўриш.

Шунингдек, ички ишлар органлари зарар келтириши, пиротехника буюмлари, саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорларининг ўғирланиши ёки ноқонуний қўлланилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузарликлар аниқланган тақдирда тегишли жойларни муҳрлашга, ходимларнинг улардан фойдаланишини вақтинча чеклаш ёки аниқланган камчиликлар бартараф этилгунича лицензияланадиган фаолият билан шуғулланишни тўхтатишга ҳақли.

#### Асосий адабиётлар:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Р.А. Хатамов, Т.Б. Маматқулов, А.С. Турсунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.– 288 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5069150>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6017645>
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябрдаги 644-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6272590>
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи.
11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи.